

ЎЗБЕКИСТОНДА КОРПОРАТИВ ДАРОМАДЛАРГА СОЛИҚ СОЛИШ МЕХАНИЗМИДАГИ МУАММОЛАР

Мухамеджанов М.

UTAX SMT МЧЖ директори ТДИУ мустақил изланувчиси

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистонда корпоратив даромадларга солиқ солиш тизимидаги мавжуд муаммолар ва камчиликлар атрофлича таҳлил этилган. Солиқ ставкалари, имтиёзлар сиёсати, ҳисоб-китоб усуллари ва назорат механизмларининг амалиётда қўлланилишидаги муаммолар аниқланган. Шунингдек, миллий солиқ тизимининг самарадорлигини ошириш, солиқ юкини оптималлаштириш ва бизнес субъектларининг соя иқтисодиётга оғишига барҳам беришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Мақолада халқаро тажриба таҳлили асосида Ўзбекистон солиқ сиёсатидаги институционал ислохотлар зарурлиги асослаб берилган.

Калит сўзлар: корпоратив даромад солиғи, солиқ тизими, муаммолар, солиқ имтиёзлари, соя иқтисодиёти, солиқ юки, институционал ислохотлар, Ўзбекистон.

КИРИШ

Корпоратив даромад солиғи (КДС) механизмидаги муаммоларни унинг назарий жиҳатдан иқтисодиётда бажариши керак бўлган функцияларидан келиб чиқиб ўрганиш ҳар бир йўналишда такомиллаштирилиши зарур бўлган жабҳаларни аниқлаш имконини беради.

КДС механизми назарий ва амалий жиҳатдан иқтисодиётда асосий уч функцияни бажариш икониётига эга бўлиши кераклигини олдинги бобларда кўриб чиққан эдик. Булар,

- фискал функция,
- инвестицион фаолиятни рағбатлантириш функцияси, ва

КДСнинг ҳар бир функцияси бўйича Ўзбекистондаги ҳолат таҳлили бўйича хулосаларни қуйида кўриб чиқамиз.

КДСнинг биринчи, яъни фискал функциясида сўнги йилларда жуда катта ижобий ўзгаришлар кузатилди. Хусусан, 2018 йилда унинг тушуми жами солиқ даромадларида атиги 4.1 фоизни ташкил қилган бўлса, 2023 йилга келиб бу кўрсаткич 24.6 фоизни, яъни бюджет даромадларининг чорак бир қисмини ташкил этди. Бу бир томондан ижобий ҳолат бўлиб кўринсада, хорижий алакатларнинг тажрибаси ўрганилганда, бу кўрсаткич анча паст эканлиги, айниқса ривожланган мамлакатларда 10 фоиз атрофида эканлиги аниқланди. КДСнинг бюджет даромадаларида юқори улушга эга бўлиши узоқ муддатда асосий икки салбий оқибатларга олиб келиши таъкидланади¹.

Биринчидан, КДСнинг бюджет даромадларидаги юқори улуши бюджет даромадларининг барқарорлигини таъминлашга қийинчилик туғдиради. Чунки, КДС тушуми тўғридан-тўғри бизнес субъектларининг фойдасига боғланганлиги унинг турли иқтисодий қисқаришлар даврида ўзгарувчан бўлишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида бюджет даромадларининг ҳам нобарқарорлигига сабаб бўлиши мумкин².

Иккинчи салбий оқибати биринчиси билан узвий боғлиқ. Хусусан, солиқ юкининг катта қисми бизнес субъектларининг фойдасига қаратилганлиги улар ихтиёрида қоладиган соф фойдани камайтиради. Бу бизнес субъектларига ўз фаолиятини кенгайтириш учун киритиладиган инвестиция ҳажмини камайишига олиб келади. Бу эса узоқ муддатда иқтисодий ўсиш суръатларининг секинлашишига, оқибатда эса мамлакат иқтисодиётини турғунликка ҳолатида қолиб кетишига олиб келиши мумкин³.

Юқоридаги салбий оқибатлар олдинни олиш мақсадида, КДС механизмининг амалдаги юқори фискал юкини юмшатиш ва уни

¹ S. Gechert & P. Heimberger. Do corporate tax cuts boost economic growth? European Economic Review, Volume 147, 2022. URL: <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0014292122000885>

² Avi-Yonah R.S. Corporate Taxation in the United States: A Primer. University of Michigan Law School, Public Law and Legal Theory Research Paper Series, Research Paper No. 33 (2019).

³ Zaripov, K. B. (2023). Profit tax in Uzbekistan. American Journal of Business Management, Economics and Banking, 3(6), 35–39.

рағбатлантирувчи функциясининг аҳамиятини ошириш, мамлакат миқёсида амалга ошириладётган кенг кўламли ислохотлар даврида ҳар қачонгидан ҳам долзарб ҳисобланади.

КДСнинг инвестицион фаолиятни рағбатлантириш функциясининг амалдаги ҳолати ўрганилганда, унинг механизмида инвестицион фаолиятни рағбатлантиришга қаратилган бир қатор янги элементлар киритилганлигини юқорида кўриб чиқдик. Инвестициявий чегирма, илмий тадқиқотлар ва (ёки) тажриба конструкторлик ишланмалари учун харажатлар, махсус иқтисодий зона иштирокчиларига бериладиган имтиёзлар, ҳамда асосий воситаларга нисбатан амортизация ставкаларининг оширилиши, ўтган даврлар кўрилган зарарларни келгуси даврларда чегириладиган харажатларга киритиш тартибининг ўзгартирилиши шаклидаги енгилликлар шулар жумласидандир⁴.

Юқорида санаб ўтилган енгилликлар асосан йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун етарли капиталга эга бизнес субъеклари учун кўпроқ имконият яратади. Аммо, умумбелгиланган солиқ режимига ўтишнинг чегаравий миқдори сифатида 1 млрд. сўмлик жами даромад меъзонининг белгиланиши, даромадлари эндигина чегаравий миқдордан ўтган кичик бизнес субъектлари йирик инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда чекланганлиги уларни солиқ имтиёзларидан тўлақонли фойдаланиш имкониятини ҳам чеклаб қўяди.

Шу сабабдан, ушбу инструментларнинг қай даражада самарадорлигини баҳолаш ва хорижий мамлакатларнинг энг илғор тажрибасидан келиб чиқиб, КДС механизмидаги мавжуд бўшлиқларни бартараф этишга қаратилган қўшимча инструментларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш солиқ сиёсати олдида турган долзарб масала ҳисобланади⁵.

Бунда биринчи навбатда КДС механизми ўзининг инвестицияларни

⁴ Turayev, A. A., & Xamidova, P. A. (2023). The economic essence of the corporate income tax and its role in budget revenues. *New Journal of Business and Management*, 5(2), 12–17.

⁵ Niyazmetov, I. (2020). Causes of taxation system's inefficiency: Evidence from Uzbekistan. *International Journal of Management Science and Business Administration*, 6(2), 28–36.

рағбатлантириш борасидаги ролининг амалдаги ҳолатини баҳолаш муаммонинг умумий ҳолати тўғрисида тасаввурга эга бўлиш имкониятини беради.

Таҳлилни амалга ошириш учун 2000-2023 йиллар оралиғида амал қилган КДС механизмини доирасида ҳақиқатда келиб тушган фойда солиғи тушумларининг киритилган инвестиция ҳажмига таъсирини эмпирик жиҳатдан баҳолаймиз.

Назарий моделнинг асосий хулосасини оддий эмпирик синовдан ўтказиш мақсадида қуйидаги икки гипотезани илгари сурамиз:

H_1 – КДСнинг юқори юки узок муддатда инвестиция ҳажмига салбий таъсир кўрсатади.

Таҳлил учун инвестиция ҳажми кўрсаткичи сифатида асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши асосий ўзгарувчи сифатида танланди. Бунда ялпи капитал шаклланиши (илгари ялпи ички инвестициялар деб номланган) иқтисодиётнинг асосий фондларига қўшилган харажатлар ва товар-моддий захираларидаги соф ўзгаришлардан иборат. Статистика агентлиги маълумотларидан фойдаланилди.

КДС механизмининг узок ва қисқа муддатли таъсирини баҳолаш учун фойда солиғи тушуми асосий кўрсаткич сифатида танланди. Солиқ кўмитаси маълумотларидан фойдаланилди. Асосий детерминант сифатида фойда солиғи тушумининг жами солиқ юкидаги улушини танланишига сабаб у бир вақтнинг ўзида солиқ юки ҳамда КДС механизмидаги ислохотлар пакетининг таъсирини акс эттириш имконини беради⁶.


Юқоридаги гипотезаларни тасдиқлаш мақсадида эконометрик таҳлилни амалга оширамиз. Ушбу эмпирик таҳлилда ўрнатган гипотезаларимиздан келиб чиқиб қуйидаги модел асосида регрессион таҳлил амалга оширамиз:

$$GCF_{i,t} = \sum_{j=0}^5 a_j \times T_{i,t-j} + \varepsilon_{i,t}$$

⁶ Rasulov, A. F., & Voronin, S. A. (2020). Reform of taxation in the Republic of Uzbekistan: New risks and new opportunities. Scientific Bulletin of the National Technical University, 89(1), 54–62.

бу ерда $GCF_{i,t}$ - i мамлакатнинг t йилдаги асосий капиталнинг ялпи жамғарилишининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши; $T_{i,t}$ - i мамлакатнинг t йилдаги фойда солиғи тушумининг жами солиқ тушумидаги улуши.

Бунда, α_j – коэффициентлари $T_{i,t}$ нинг $GCF_{i,t}$ га таъсирини кўрсатади. Эмпирик таҳлилни амалга оширишда биз ҳар бир мамлакатга хос бўлган кузатилмайдиган ҳетероженликни қамраб оладиган “вақт қаторлари” (Time series) моделидан фойдаланамиз.



1-расм. Таҳлил маълумотларининг қиёсий таҳлили⁷

Маълумотлардан кўриш мумкинки, ялпи капитал жамғармасининг (ЯКЖ) ЯИМдаги улуши 2000 йилларда 20 фоизни ташкил қилган бўлса, 2023 йилга келиб, унинг улуши 40 фоиздан ортиқ бўлган. Фойда солиғи ҳам ушбу даврларда ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 2000 йилларда 13 фоизни ташкил этган бўлса, 2023 йилда 25 фоизни ташкил этган. Аммо, иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари таҳлили унинг ушбу давр оралиғида катта ўсиш суръатига эга бўлмаганлигини кўрсатди. Хусусан, 2000 йилларда 4-5 фоизни ташкил этган бўлса, 2023 йилда ўртача 5-6 фоиз орасида эканлигини кўришимиз мумкин. Бунини сўнги йилларда жисмоний капитал кўпайган бўлсада, фойдага нисбатан юқори солиқ юки ишлаб чиқаришнинг мос равишда кенгайишини

⁷ Муаллиф томонидан тайёрланди.

чеклинишига сабаб бўлаётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Фойда солиқ тушумлари даражасининг юқоридаги кўрсаткичларга таъсирини баҳолаш учун амалга оширилган регрессион таҳлил натижалари қуйидагиларни кўрсатди.

1-жадвал

Регрессион таҳлил натижалари⁸

Ўзгарувчилар	Тенг: 2.1	
	GCF _{i,t}	
	коэфф.	стрд. хатолик
T_t	0.599***	(0.165)
T_{t-1}	0.525**	(0.201)
T_{t-2}	0.355	(0.270)
T_{t-3}	-0.195	(0.311)
T_{t-4}	-0.229*	(0.440)
T_{t-5}	-1.188**	(0.484)
Константа (α_j)	28.076***	(2.788)
R ²	0.790	
F-тест	7.56***	

Статистик тестлар

Кузатувлар сони	24
-----------------	----

*** - аҳамиятлилик даражаси $p < 0.01$ (99%) ни англатади.

** - аҳамиятлилик даражаси $p < 0.05$ (95%) ни англатади.

* - аҳамиятлилик даражаси $p < 0.1$ (90%) ни англатади

Амалга оширилган эконометрик таҳлил натижалари юқорида белгилаган гипотезаларни тасдиқлаганини кўриш мумкин. Фойда солиғи тушумининг даражасининг ($T_{i,t}$) ялпи капитал жамғарилишига ($GCF_{i,t}$) таъсирининг эконометрик таҳлили фойда солиғи тушумларинидаги ўсиш ислохотлар биринчи ва иккинчи йилларида ички инвестицияларга ижобий

⁸ Муаллиф томонидан тайёёрланди

таъсир қилишини кўрсатди (2.3-жадвал Тенг: 2.1-га қаранг). Хусусан, фойда солиғининг жами солиқ тушумларидаги улушининг ($T_{i,t}$) жорий даражаси статистик жиҳатдан 99% фоизда аҳамиятли таъсирга эга эканлиги ва фойда солиғи улушининг 1 фоизга ошиши ялпи капитал жамғарилишининг ЯИМдаги улушини ($GCF_{i,t}$) 0.599 фоизга ошишини кўрсатди.

Фойда солиғининг жами солиқ тушумларидаги улушининг ($T_{i,t-1}$) бир йилга кечиктирилган даражаси ҳам ялпи капитал жамғарилишининг ЯИМдаги улуши ($GCF_{i,t}$) билан ижобий алоқадорлик ишорасини кўрсатди. Статистик аҳамиятлилиқ даражаси 95 фоиз бўлиб, ихтиёрий ўзгарувчининг бир фоизга ошиши 0.525 фоизга ошишини кўрсатди.

Фойда солиғининг жами солиқ тушумларидаги улушининг икки йилга ($T_{i,t-2}$) ва уч йилга ($T_{i,t-3}$) кечиктирилган даражаси мос равишда ижобий ва салбий ишораларга эга. Аммо статистик жиҳатдан аҳамиятлилиқ даражаси қабул қилиниши мумкин бўлган чегаралардан паст эканлиги аниқланди.

Фойда солиғининг жами солиқ тушумларидаги улушининг тўрт йилга ($T_{i,t-4}$) ва беш йилга ($T_{i,t-5}$) кечиктирилган даражаси тобе ўзгарувчи ($GCF_{i,t}$) билан салбий алоқадорликда эканлигини кўрсатди.

Хусусан, ихтиёрий ўзгарувчининг тўрт йилга ($T_{i,t-4}$) ва беш йилга ($T_{i,t-5}$) кечиктирилган даражаси мос равишда статистик жиҳатдан 95 ва 90 фоиз аҳамиятлилиқ даражасини кўрсатган бўлиб, ихтиёрий ўзгарувчининг бир фоизга ошиши мос равишда тобе ўзгарувчининг 0.229 ва 1.188 фоизга камайишини кўрсатди.

Вақт ўтиши билан юзага келадиган бу қарама-қарши алоқадорликни қуйидагича изоҳлаш мумкин. Биринчи навбатда ички инвестициялар давлат ва хусусий секторлар томонидан киритилишини инобатга олсак, фойда солиғининг жами солиқ тушумларидаги улушини кўпайишига олиб келадиган ислохотлар дастлаб давлат томонидан инфраструктура ва бошқа йўналишларда инвестицияларнинг ошишига олиб келади. Бу ўз навбатида мамлакат миқёсида ялпи капитал жамғарилишининг ошишига олиб келади.

Аммо, узоқ муддатда бу солиқ юки хусусий секторнинг инвестиция қарорларининг чеклаш орқали ялпи капитал жамғарилишининг камайиб кетишига олиб келиши мумкин.

Шу сабабдан, илмий-назарий адабиётлар КДС механизмини фискал аҳамиятидан кўра унинг инвестицияларни рағбатлантиришга йўналтириш зарурлиги такидланади.

Юқоридаги эмпирик таҳлил натижаларидан хулоса қилиш мумкинки, амалда бўлиб келган КДС механизми кўпроқ фискал йўналганлиги унинг иқтисодиётдаги энг муҳим ҳисобланган бошқа икки функциясини, хусусан, инвестицияларни рағбатлантириш ва яширин иқтисодиётни қисқартиришдаги қобилиятини чеклаб қўйилишига олиб келмоқда.

ХУЛОСА

Тадқиқотлар натижасида Ўзбекистонда амалда бўлиб келаётган фойда солиғи механизмидаги асосий муаммолар юридик шахс бўлган бизнес субъектларини солиққа тортишда бир вақтнинг ўзида иккита тартибнинг мавжудлиги бир қатор бўшлиқларни келтириб чиқарётганлиги ҳамда солиқ ставкасининг даражаси ва тузилмаси фойда солиғи механизмининг иқтисодиётдаги барча функциясини самарали амалга оширишга тўсқинлик қилаётганлиги аниқланди.

Таҳлиллар фойда солиғи механизмини такомиллаштиришда биринчи навбатда солиққа тортишнинг оптимал бўлган ягона тартибини белгилаш, солиқ ставкаларини оптималлаштириш, кичик бизнес субъектлари мақомини аниқлашнинг жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб мақбул меъзонлари ва чегарасини ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. S. Gechert & P. Heimberger. Do corporate tax cuts boost economic growth? European Economic Review, Volume 147, 2022. URL: <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0014292122000885>

2. Avi-Yonah R.S. Corporate Taxation in the United States: A Primer. University of Michigan Law School, Public Law and Legal Theory Research Paper Series, Research Paper No. 33 (2019).
3. Zaripov, K. B. (2023). *Profit tax in Uzbekistan*. American Journal of Business Management, Economics and Banking, 3(6), 35–39.
4. Turayev, A. A., & Xamidova, P. A. (2023). *The economic essence of the corporate income tax and its role in budget revenues*. New Journal of Business and Management, 5(2), 12–17.
5. Niyazmetov, I. (2020). *Causes of taxation system's inefficiency: Evidence from Uzbekistan*. International Journal of Management Science and Business Administration, 6(2), 28–36.
6. Rasulov, A. F., & Voronin, S. A. (2020). *Reform of taxation in the Republic of Uzbekistan: New risks and new opportunities*. Scientific Bulletin of the National Technical University, 89(1), 54–62.